

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 24 » апрель 2019 у.

№ 350

Toshkent sh.

**“Биринчи резинотехника заводи” масъулияти чекланган жамияти
фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Биринчи резинотехника заводи” масъулияти чекланган жамияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, республика истеъмолчиларини сифатли конвейер ленталари, кишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари билан таъминлаш ва ушбу маҳсулотлар импортини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

“Алгреп” эркин иқтисодий зонасидаги “Биринчи резинотехника заводи” масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа бўйича йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, 200 минг дона кишлоқ хўжалиги шиналари ва 3 миллион дона автомобиль шиналари ишлаб чиқариш қувватига эга “Конвейер ленталари, кишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш яқунлангани;

“Давлат харидлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат (бюджет ва корпоратив) буюртмачилари махсус маълумотлар порталида рўйхатдан ўтказиладиган тўғридан-тўғри шартномалар тузган ҳолда, ягона етказиб берувчидан товарларнинг (ишлар, хизматлар) давлат харидини амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Биринчи резинотехника заводи” масъулияти чекланган жамияти кишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналарининг ягона етказиб берувчиси этиб белгилансин ҳамда давлат буюртмачиларига жамият маҳсулотларини махсус маълумотлар порталида рўйхатдан ўтказиладиган тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилишга рухсат берилсин.

3. “Биринчи резинотехника заводи” масъулияти чекланган жамиятида Конвейер ленталари, кишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси О.Темиров зиммасига Комплекс чора-тадбирларда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда аниқ натижаларга эришиш бўйича шахсий масъулият юклансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари-Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири Ж.А.Қучқоров зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

2.	Ишлаб чиқаришни малакали кадрлар билан таъминлаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш.	<p>1. Хорижий малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда технологик ускуналарни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ўқув курсларини ўтказиш.</p> <p>2. АСУТП ускуналарини ишлаб чиқарувчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда, “БРЗ” МЧЖнинг ишлаб чиқариш майдонида АСУТП муҳандислари учун ўқув курсларини ўтказиш.</p>	<p>2019 йил апрель-декабрь</p> <p>2019 йил июлгача</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев).</p>	<p>Завод штатини завод техника ва технологияларини талаб даражасида ишга тушира оладиган юқори малакали ходимлар билан тўлдириш.</p>
3.	ASTM (American Standart Test Method) синов лаборатория усуллари учун 45 та халқаро стандартларни жорий этиш.	<p>1. ASTM синов лаборатория усулларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш учун етказиб берувчини танлов асосида танлаш.</p> <p>2. Ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш шартномасини тузиш.</p> <p>3. Тузилган шартномани молиялаштириш.</p> <p>4. ASTM халқаро стандартларини олиш.</p>	<p>2019 йил апрель</p> <p>2019 йил май</p> <p>2019 йил май</p> <p>2019 йил декабрь</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев), “Ўзстандарт” агентлиги (Сагтаров)</p>	<p>Ишлаб чиқариш учун олиб келинаётган хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар сифатининг паспортдаги маълумотларга, конструкторлик, норматив-техник ҳужжатларга мос келиши юзасидан қатъий кириш назоратини таъминлаш. Маҳсулот сифатини ошириш.</p>
4.	“Женерал моторс” (Ўзбекистон) АЖ автомобилларини бирламчи бутлаш учун “БРЗ” МЧЖ автомобиль шиналари намуналарининг “Женерал моторс” (АҚШ) компанияси томонидан тасдиқлаш.	<p>1. IATF 16946:2016 сертификатини олиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - DQS System халқаро аудиторлик компанияси томонидан аудит ўтказиш; - IATF 16946:2016 сертификати бўйича тасдиқ хатини олиш; - IATF 16946 : 2016 сертификатини олиш. 	<p>2019 йил апрель</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил август</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев), “Ўзавтосаноат” АЖ (Умурзаков)</p>	<p>Импортни камайтириб, маҳаллийлаштиришни кўпайтириш, 2020 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 493,3 минг дона автомобиль шиналари билан таъминлаш.</p>

		<p>2. Ишлаб чиқаришни маъқуллаш: - VIQS 3 даражасида белгиланган сифат тизимини тадбиқ этиш; 3. Маҳсулотни тасдиқлаш: -GMK (Дженерал моторс Корея) билан валидация шартномасини келишиш; - маҳсулотни валидация синовларидан ўтказиш; - GM 3660 тасдиқлаш.</p> <p>4. (PPAP) ишлаб чиқариш жараёнини тасдиқлаш.</p> <p>5. Ишлаб чиқариш кувватини таҳлил этиш; 6. Ўрнатиш синовларини ўтказиш.</p>	<p>2019 йил 30 апрелгача</p> <p>2019 йил 30 апрелгача</p> <p>2019 йил 30 октябргача</p> <p>2019 йил 15 ноябргача</p> <p>2019 йил 30 ноябргача</p> <p>2019 йил 6 декабргача</p> <p>2019 йил 20 декабргача</p>		
<p>II. Конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналарининг ўз вақтида сотилишини таъминлаш чора-тадбирлари</p>					
5	<p>Кенг миқёсда реклама компанияси ташкил этиш йўли билан корхона брендини оммалаштириш.</p>	<p>1. Оммавий ахборот воситаларини, ижтимоий ва интернет тармоқлари ҳамда ташқи рекламалар усулларини жалб этган ҳолда, кенг кўламли реклама акцияларини ўтказиш.</p> <p>2. Колл-марказ ташкил қилиш. Шиналарнинг қизгин сотув мавсумларида реклама компаниялари фаоллигини ошириш.</p>	<p>2019 йил апрель-июнь</p> <p>2019 йил апрель</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев)</p> <p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев)</p>	<p>Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифати, ишончлилиги ҳақидаги маълумотларни охириги истеъмолчигача етказиб бериш. Сифатли автошиналар сотиб олишнинг аҳамияти юзасидан аҳолининг хабардорлигини таъминлаш. “БРЗ”МЧЖнинг маҳсулотларини сотиб олишда манфаатдорликни ошириш.</p>

		<p>3. Шина ишлаб чиқариш жараёнини, завод қувватини тўлиқ ёритишда “Бу қандай тайёрланган” тарзидаги информацион видеороликлар тайёрлаш ва роликларни ойига камида икки марта ёритиб бориш (имтиёзли тарифларда).</p> <p>4. “БРЗ” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган шиналарни импорт орқали олиб келинаётган шиналардан устунлигини, сифатли шиналар қўйиш муҳимлигини батафсил тушунтириш мақсадида жамоатчилик вакиллари учун (автомобиль ишқибозлари ижтимоий гуруҳлари) ишлаб чиқариш корхонасида экскурсия, такдимотлар ташкил этиш.</p>	<p>2019 йил апрель-май</p> <p>2019 йил май-июнь</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев), Миллий телерадио компания (Ходжаев)</p> <p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев)</p>	
6	Савдо тармоқларини кенгайтириш.	<p>1. 7 та расмий худудий дилерлар орқали республиканинг барча худудидаги 78 та автосалонлар билан консигнация шартномалари тузишни таъминлаш.</p> <p>2. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги мавжуд 5 та фирма дўконлари сонини 11 тага етказиш, ҳар бир худудда 2 тадан фирма дўконларини очиш.</p> <p>3. Маҳсулотларни сотиб олиш, савдо нуқталарини ташкил этиш, хомашё етказиб бериш, худудлар ва мулкчилик шакли бўйича бошқа турдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан мурожаатлар сонини аниқлаган ҳолда колл-марказга келиб тушаётган кўнғироқлар мониторингини юритиш.</p>	<p>2019 йил апрель-май</p> <p>2019 йил апрель-май</p> <p>доимий</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев), “Ўзавтосаноат” АЖ (Умурзаков)</p>	Республиканинг барча худудларида маҳсулот сотиб олиш қулайлиги, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва режалаштирилган 1,5 млн. дона автомобиль шинаси ва 95 минг дона қишлоқ хўжалиги шинаси сотилишини амалга ошириш.

7	“БРЗ” МЧЖ маҳсулотларининг давлат буюртмачилари томонидан ўз вақтида сотиб олинишини таъминлаш.	<p>1. Маҳсулотга бўлган талабни, ишлаб чиқариш муддатларини ва сотиш шартномаларининг асосий шартларини келишиб олиш.</p> <p>2. Давлат буюртмачиларининг аризасига асосан уларга маҳсулотни тезкор етказиб бериш учун ҳудудларда маҳаллий сақлаш шартларида мобил омбор захираларини ташкил этиш.</p> <p>3. Давлат ташкилотлари билан шартномалар тузиш, республика ҳудудларидаги омборлардан истеъмолчилар буюртмаларига асосан белгиланган муддатларда маҳсулот етказиб беришни ташкил этиш.</p>	<p>2019 йил апрель-май</p> <p>2019 йил апрель-май</p> <p>доимий</p>	“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев), давлат харидлари ташкилотлари	100 минг дона автомобиль шиналари, 14 минг дона қишлоқ хўжалиги шиналари ва 63 минг п.м. конвейер ленталарининг кафолатли сотилишини таъминлаш.
8	Самарали маркетинг усулларини қўллаш.	<p>1. Ахборот шаклини ишлаб чиқиш ва келишиш, ҳар чоракда республикага импорт орқали олиб келинган автомобиль ва қишлоқ хўжалиги шиналари, конвейер ленталари берилган шаклга асосан, импортерлар, уларнинг ҳажми, тури, қиймати ва ишлаб чиқарувчи давлат кесимидаги маълумотларни тақдим этиб боришни таъминлаш.</p> <p>2. Конвейер ленталари ва шиналарнинг республикага импортини тизимли мониторингини олиб бориш.</p> <p>3. Ҳудудлар бўйича иккиламчи бозорда шиналарни турларига, протекторларнинг безакларига нисбатан</p>	<p>2019 йил 1 майгача</p> <p>доимий</p> <p>2019 йил 1 октябргача</p>	“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев), Давлат божхона кўмитаси (Азимов)	Бозор ҳажми ва талаби тўғрисидаги информацион маълумотлар ахборот базасини яратиш ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш учун мақсадли аудиториянинг талабларини ўрганиш.

		истеъмолчилар қизиқиш талабларини ўрганиш.			
9	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда энергия сарфини камайтириш.	<p>1. Етказиб берувчиларини доимий диверсификациялаш, муқобил хом ашё етказиб берувчилар, шу жумладан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни излаб топиш йўли билан хомашё ва материаллар нархини 10 фоиз атрофида тушириш.</p> <p>2. Амортизация ажратмаларини энг кам ставкаларда ҳисоблаш орқали харажатларни 50 фоиз иқтисод қилишга эришиш.</p> <p>3. Иш кучини оқилона жойлаштириш йўли билан ходимлар сонини камайтириш ва харажатларни 23,2 фоизга камайтириш.</p> <p>4. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш.</p>	2019 йил давомида	“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев)	Маҳсулот таннархини 13% камайтириш йўли билан унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, сифатсиз импорт маҳсулотларни хажмини камайтириш, божхона тўловлари тушумини кўпайтириш. 2019 йилда умумий харажатлар прогнозини 8,4 млн. долларга камайтириш (64,2 млн. доллардан 55,8 млн. долларгача).
III. Хорижий компаниялар билан ҳамкорлик ва инвестицияларни жалб этиш					
10	“Татнефть” ИАЖ (РФ) билан ҳамкорликни фаоллаштириш.	<p>1. 20 та ходимни “Татнефть” ИАЖ компанияси ишлаб чиқариш майдонларида ўқитиш.</p> <p>2. “Татнефть” ИАЖ компаниясининг нинг малакали мутахассисларини “БРЗ” МЧЖдаги мавжуд технологик қурилмалардаги муаммоларни, уларни эксплуатация қилиш жараёнида пайдо бўлаётган узилишларни тезкор бартараф этиш учун ишлаб чиқаришга йўналтириш, ходимларни бевосита “БРЗ” МЧЖ ишлаб чиқаришида</p>	<p>2019 йил июнь ойидан бошлаб</p> <p>2019 йил май ойидан бошлаб</p>	“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев)	“БРЗ” МЧЖ ходимларини малакасини ошириш, янги турдаги шиналарни ўзлаштириш. Қиш мавсумига мўлжалланган шиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни инobatта олган ҳолда, Қозоғистон, Россия, Қирғизстон, Тожикистон бозорларига чиқиш.

		<p>ўқитиш, натижалари бўйича уларнинг билимини баҳолаш.</p> <p>3. Бозор талаби ва ўрганишлар асосида автомобиль шиналарининг янги турларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш.</p> <p>4. Биргаликдаги фаолият масаласини ўрганиб чиқиш, жумладан, ишончли бошқарувга бериш, ишлаб чиқариш қувватларини ва янги турдаги маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш мақсадида ўз улуши билан корхона таркибига кириш.</p>	<p>2019 йил III чорак</p> <p>2019 йил IV чорак</p>		
11	<p>Технология соҳасида хорижий компанияларни ҳамкорликка жалб қилиш (Украина, Корея, Европа).</p>	<p>1. Техник амалий ёрдам кўрсатиш шартларини аниқлаб олган ҳолда музокаралар ўтказиш.</p> <p>2. Техник амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш.</p>	<p>2019 йил 1 декабргача</p> <p>2019 йил IV чорак</p>	<p>“Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), “БРЗ” МЧЖ (Тиллаев)</p>	<p>Маҳсулот сифатини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва хорижий бозорларга чиқиш.</p>